

# UZBEKISTAN LAW REVIEW



---

ISSUE 2  
2025

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ**

**UZBEKISTAN LAW REVIEW**

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

<b>ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ</b>	<b>SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL</b>	<b>НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ</b>
--------------------------------------	----------------------------------------------	--------------------------------------------

---

---

**2025  
№2**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – юридик  
фанлари доктори, профессор.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**

**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – ю.ф.д.,  
профессор.

**Ҳўжаев Шохжахон Акмалжон ўғли** – юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори.

**Оқюлов Омонбой** – ю.ф.д., профессор.

**Эргашев Восит Ёқубович** – ю.ф.н., профессор.

**Махкамов Отабек Мухтарович** – ю.ф.д.

**Суюнова Дилбар Жолдасбаевна** – ю.ф.д., доц.

**Мусаев Бекзод Турсунбоевич** – ю.ф.д., доц.

**Беков Ихтиёр** – ю.ф.д., проф.

**Бозоров Сардор Сохибжонович** – ю.ф.д., проф.  
в.б.

**Хазратқулов Одилбек Турсунович** – юридик  
фанлари номзоди, доцент.

**Самарходжаев Ботир Билялович** – ю.ф.д.,  
профессор.

**Ходжаев Бахшилло Камалович** – ю.ф.д.,  
профессор.

**Нарзиев Отабек Саъдиевич** – ю.ф.д., проф. в.б.

**Жолдасова Шахноза Батировна** – юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш  
сўралади:

**Гулямов Саид Саидахарович,  
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**  
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,  
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон  
нусхаси Интернетдаги [www.library-tsul.uz](http://www.library-tsul.uz) ёки  
[www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz) сайтида жойлаштирилган.

**Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация  
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.**

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар,  
талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб,  
Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик  
университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2025 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик  
университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.  
Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва  
қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати  
билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент  
давлат юридик университетига мурожаат этилади.  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ  
кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Козимов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 28.06.2025

Наشريёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмаҳонасида босилди

Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
ЖУРНАЛ**

**2/2025**

**Ахмедов Сардор Қурбондурди ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Жиноий суд ишларини  
юритишда прокурор ваколатини таъминлаш  
бошқармаси прокурори, адлия кичик  
маслаҳатчиси

**ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ –  
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ МУҲИМ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ФУНКЦИЯСИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида фуқароларнинг тадбиркорликка оид конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда таъминлашни кафолатловчи янги ҳуқуқий механизмлар мазмун-моҳияти очиқ берилган. Мазкур ҳуқуқни химоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи – субъект прокуратура органларининг роли, масъуллиги ва фаолияти (функцияси) таҳлил этилган. Уларнинг мазкур функциясининг ҳуқуқий асослари очилган.

Прокуратура органлари тадбиркорларга қарши қузғатилётган жиноят ва маъмурий ишларда уларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган қарарлар. Бу, айниқса, тадбиркорларга қасддан мулкий зарар етказиш, рақобатни мураккаблаштириш ва уларга шантаж қилиш ҳолатларида муҳимдир. Маълумки, "Прокуратура тугрисида (янги тақрир)даги қонуннинг (2001 йил 29 август) 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш (иккинчи йўналиш) алоҳида белгиланган.

Прокуратура органларининг тадбиркорликни химоя қилиш функцияси, нафақат қонун устуворлигини таъминлаш, балки тадбиркорлар учун қулай ва ишончли ишлаш муҳити яратишга қаратилган самарали механизм эканлигини, давлатнинг иқтисодий тараққиётига таъсир қурсатадиган асосий қучлардан бири бўлган тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, иқтисодий усишни рағбатлантириш ва бизнес муҳитини яхшилашга ҳар томонлама қўллашларини қайд қилган. Хулоса қилганда, тақрир қилинаётган мақола илмий ва амалий манбалар асосида ёзилганлигини қўрсатади. Соҳага доир қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган тақрир, тавсия ва хулосалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Конституция, прокуратура органларининг функциялари, қонунлар устидан назорат, тадбиркорлик, ишбилармонлар ҳуқуқи ва эркинликларининг муҳофазаси.

**Аннотация.** В статье раскрываются новые правовые механизмы, гарантирующие реализацию и защиту конституционных прав граждан в сфере

предпринимательства, закрепленных в Конституции Республики Узбекистан в новой редакции. Проанализированы роль, ответственность и деятельность прокуратуры как органа, координирующего действия правоохранительных органов по защите прав предпринимателей. Рассмотрены юридические основы данной функции прокуратуры.

Органы прокуратуры действуют для защиты прав предпринимателей в уголовных и административных делах. Это особенно важно в случаях умышленного причинения имущественного ущерба предпринимателям, усложнения конкуренции и шантажа. Согласно статье 4 Закона «О прокуратуре» (в редакции от 29 августа 2001 года), основные направления деятельности прокуратуры, включая надзор за соблюдением законов, направленных на обеспечение прав и свобод граждан, выделены отдельно.

Функция защиты предпринимательства прокуратурой является не только механизмом обеспечения верховенства закона, но и эффективным инструментом создания удобной и надёжной рабочей среды для предпринимателей. Она играет важную роль в защите прав и законных интересов предпринимателей, стимулирует экономический рост и улучшает бизнес-среду. В заключение, статья основана на научных и практических источниках. Представлены предложения, рекомендации и выводы, направленные на совершенствование законодательства в данной области.

**Ключевые слова:** Конституция, функции органов прокуратуры, контроль за соблюдением законов, предпринимательство, защита прав и свобод предпринимателей.

**Abstract.** The article reveals new legal mechanisms that guarantee the implementation and protection of citizens' constitutional rights in entrepreneurship, as outlined in the new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. The role, responsibility, and activities of the prosecutor's office as the coordinating body for the activities of law enforcement agencies in protecting the rights of entrepreneurs are analyzed. The legal foundations of this function of the prosecutor's office are outlined.

Prosecutor's offices act to protect the rights of entrepreneurs in criminal and administrative cases. This is especially important in cases of deliberate property damage to entrepreneurs, complicating competition, and extortion. According to Article 4 of the Law "On Prosecutor's Office" (as amended on August 29, 2001), the main directions of the prosecutor's office's activities, including the oversight of laws aimed at ensuring citizens' rights and freedoms, are specifically outlined.

The function of protecting entrepreneurship by the prosecutor's office is not only a mechanism for ensuring the rule of law but also an effective tool for creating a

convenient and reliable working environment for entrepreneurs. It plays a significant role in protecting the rights and legitimate interests of entrepreneurs, stimulating economic growth, and improving the business environment. In conclusion, the article is based on scientific and practical sources. Proposals, recommendations, and conclusions aimed at improving the legislation in this field are presented.

**Keywords:** Constitution, functions of the prosecutor's office, oversight of laws, entrepreneurship, protection of entrepreneurs' rights and freedoms.

### Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишидир. Ушбу соҳанинг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларини, унда хусусан, прокуратура органларининг ролини ошириш – долзарб мавзулардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг конституциявий кафолатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Шу жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланди. Хусусан, Асосий қонуннинг 65 – моддасида «Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди». Конституциянинг 67-моддасида эса «Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли, - деган қоида мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг «Тараққиёт стратегияси» да (2022 – 2026) белгиланган биринчи мақсад доирасида «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, ... тадбиркорликни ривожлантириш борасида» барча давлат органларининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш» вазифаси белгиланганлиги диққатга сазовор.

Материаллар ва методлар

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми ишбилармонлик фаолиятини амалга оширишни кафолатловчи ва таъминловчи ҳуқуқий нормалар тизимини ҳамда бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш чоратадбирларини қамраб олган бўлиб, улар орқали унинг тўлиқ ва самарали амалга оширилишига эришилади. [1, 9].

Тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланиши учун тегишли ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни

таъминлаш барча давлат органларининг, шу жумладан, прокуратура органларининг муҳим функциянал вазифасидир. Прокуратура органларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг назарий методологик жиҳатларини таҳлил этиш ўта муҳимдир. Бунда илмий билишнинг мантикий, тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий социологик таҳлил усуллари, шунингдек индукция, дедукция, анализ ва синтез методларидан самарали ва унунмли фойдаланиш мумкин ва лозим.

Тадқиқотнинг натижалари

2017 йил январида давлат раҳбарининг прокуратура ходимлари билан учрашувида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди. Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиш беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор. [2].

Президентнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоялаш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятига қонунсиз аралашганлик ва унга тўсқинлик қилганлик, уни асоссиз тарзда тўхтатганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди». Шу сабабли, давлат органлари, хусусан, прокуратура органлари тадбиркорликни ҳимоя қилишга катта эътибор қаратмоқда.

Прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири – қонунларнинг ижросини таъминлаш, ҳудудлардаги қонун бузилишларига тўсқинлик қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишдир. Шу қаторда тадбиркорликни ҳимоялаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутди. Прокуратура органлари жиноятларни тергов қилишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик шахслар фаолияти устидан назоратни таъминлаш билан шуғулланади. [3]

Шу боис тадбиркорликни ҳимоя қилиш мақсадида прокуратура бир неча функцияларини бажаради:

Тадбиркорларнинг фаолиятига таъсир қиладиган қонун бузилишларига қарши курашиш, шу жамладан, фирибгарлик, талон-тарож ва қонуний фаолиятга аралаштириш ҳолатларини аниқлаб, айбдорларни жавобгарликка тортиш муҳим.

Прокуратура органлари тадбиркорлик соҳасидаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва қонуний нормаларнинг ишлатилиши бўйича доимий назорат олиб борадилар. Шунингдек, бизнес ва тадбиркорларга ижобий шарт-шароитлар яратиш учун қонунларнинг сифатини ўрганиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш вазифаси ҳам прокуратурага юкланади.

Прокуратура тадбиркорларга қарши амалга ошири-

лаётган маъмурий ва жинойт ишларида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва оқсоқликларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Бу, айниқса, бизнесменларга қасддан зарар етказиш, рақобатни мураккаблаштириш ва уларга шантаж қилиш ҳолатларида муҳимдир. Маълумки, «Прокуратура тўғрисида (янги таҳрир) даги қонуннинг (2001 йил 29 август) 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш (иккинчи йўналиш) алоҳида белгиланди.

Мазкур мавзу бўйича ҳуқуқшунос олимлар томонидан бир қанча илмий мақолалар чоп этилган. Диссертация тадқиқотлари амалга оширилган. Масалан, Профессор З.С.Ибрагимов ўзининг докторлик диссертациясида прокуратура органларининг фуқароларнинг иқтисодий фаолият олиб бориши, қатор ижтимоий ҳуқуқлари, шу жумладан, тадбиркорлик бобидаги ҳуқуқлари таъминланиши соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш функциясига алоҳида урғу беради. «Прокуратура органлари фаолиятининг долзарб йўналишларидан яна бири – бу тадбиркорлик қўллаб-қувватлаш билан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, давлат ва унинг иқтисодиёти ривожига алоҳида ўрин эгаллайдиган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни юритиш учун мамлакатимизда энг қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бор ҳақиқатдир. Айнан шу сабабли 2011 йил «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди[4]. Ана шу даврдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузиш, уларга нисбатан ғаразли муносабатда бўлиш ҳамда фаолиятини чеклаш каби қонунбузилишлар юзасидан прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш бу органларнинг мустақил фаолият йўналишига айланди, дейиш мумкин. Прокуратура органларининг тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқни ҳимоя қилишдаги роли ва функциялари тубдан қайта кўриб чиқилди. [5]

Профессор Е.А.Лукашева ўз тадқиқотларида фуқаролар, шу жумладан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг юридик механизмига алоҳида эътибор қаратади.[6] Профессор Ф.Ҳ.Рахимов эса тадбиркорликнинг конституциявий кафолатларини кучайтиришга урғу беради.[7] И.Исмоилов тадбиркорлик соҳасида прокурор назорати предметини тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши деб тушунади. [12] Шу билан бирга, прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятининг мақсади унга еришишга қаратилган натижадир. [13, 160] Шунингдек, прокуратура органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти хусусий ва жамият манфаатлари мувозанатини сақлашга қаратилганлиги қайд этилди. [14, 12] Шунинг учун қонунчиликда прокуратурага текширишларни тай-

инлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш мажбурияти юклатилган. [15, 20 - 21]

Маълумки, 2005 – 2010 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги (2005 йил 15 июль) қарори, «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (2009 йил 15 май) қарори ва бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида» ги 87-сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур ҳужжат прокуратура органлари фаолиятига муайян тизимлилик ва самарадорлик бахш этди.

Тадқиқотнинг натижалари таҳлили  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.Мирзиёевнинг юқорида номи таъкидланган 2016 йил 5 октябрдаги фармони эълон қилинган, прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш тизими янги босқичга кўтарилди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2017 йил 30 октябрдаги 151 – сон буйруғи билан «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими» ташкил этилди. 2018 йил 31 майдаги 187 – сонли буйруқ билан Бош Прокуратуранинг «Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш Бошқармаси таъсис этилиб, у ҳақдаги Низом тасдиқланди.

Прокуратура органларининг тадбиркорлик соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлашга оид фаолиятининг мазмунини бойиб, такомиллашиб боргани сайин, Бош Прокурорнинг 2021 йил 25 майда 232 – сонли мазкур соҳага тааллуқли янги буйруғи ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Мазкур фаолиятга оид яна бир ҳужжатга эътибор қаратиш лозим: Бу – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил 25 апрелдаги «Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш чоралари ҳақида» ги қўшма қарори бўлиб, у барча ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг тегишли фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, унда тадбиркорлик субъекти ҳисобланган иссиқхона хўжаликларида текшириш ўтказиш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақатгина Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Қонуни ҳамда соҳага оид бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш;

Текширишлар ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишиш қоидаларига қатъий риоя этиш;

Хўжалик фаолиятини юритиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан бевосита иссиқхона фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишлари фақатгина Бош прокурор розилиги билан кўзғатиши;

Ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз ҳамда жиноий ҳодисани нотўғри малакалани сабабли жиноят иши кўзғатишга йўл қўйилмаслик талаблари белгиланди. Мазкур тоифадаги жиноят ишларининг суриштируви ва дастлабки тергови устидан прокуратура органлари алоҳида назорат олиб боради.

Иссиқхона хўжалиги фаолияти соҳасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш масаласига алоҳида эътибор билан қаралсин, - деб таъкидланди.

Бунда, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилиш жараёнида прокурорлар ва судларнинг масъулияти оширилиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мутаносиб равишда қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган, енгилроқ турдаги эҳтиёт чораси қўллашнинг қонунда назарда тутилган барча имкониятларидан фойдаланилсин деб эътироф этилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер майдонларини қайтариб олиш билан боғлиқ ишлар кўрилишида судлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни бузган мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига қатъий баҳо берилсин ва иссиқхона хўжалигини юритаётган тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ва маъмурий ҳужжатга нисбатан ишончини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилсин деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги «Топшириғи» га мувофиқ, тадбиркорлик соҳасида қонунийлик аҳволи ҳамда прокурор назорати амалиётини тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир вазифалар белгиланди:

-тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулк ҳуқуқларини бузилишига, шу жумладан мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатиш;

-мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқини топширишга доир асоссиз талаблар қўйилмаслиги, шунингдек, ер участкасининг олиб қўйилиши ва мулк ҳуқуқининг бекор қилинишида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши устидан назорат кучайтириш;

-назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик

юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес – омбудсман) рухсатини олиш, текшириш муддатлари ва тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш;

-тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг туб сабаблари аниқлансин ва бунга имкон бераётган тизимли камчиликларни бартараф этиш.

Биз тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши, шунингдек, давлат органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги ушбу соҳадаги прокурор назорати субъектининг мазмун-моҳиятига боғловчи олимларнинг позициясини қўллаб-қувватлаймиз. [8, 10]

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2022 йил 12 февралдаги «Кўрсатма»сига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида» ги ПҚ – 72-сонли Қарори билан инвестицияларни ўзлаштиришнинг янгича бошқарув тизими жорий этилди. Мазкур қарорга кўра, 2022 йилда умумий қиймати 85,1 млрд. АҚШ долларлик 981 та лойиҳалар доирасида 16,7 млрд. АҚШ доллари ҳажмида инвестицияларни ўзлаштириш назарда тутилган. Шу жумладан, 105 та лойиҳа доирасида 2,2 млрд. АҚШ долларлик давлат кафолати остидаги ҳамда 709 та лойиҳа доирасида 9,5 млрд. АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 282 та лойиҳаларни ишга тушириб, 43 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати 90,9 трлн. сўм бўлган 9064 та лойиҳаларни ишга тушириш натижасида 233873 та янги иш ўринларини яратиш назарда тутилган.

Ушбу Қарор билан ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноат, техник жиҳатдан тартибга солиш ва тадбиркорлик соҳаларидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат ўрнатиш вазифалари прокуратура органлари зиммасига юклатилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган ёки худди шундай истақда бўлган тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳақидаги маълумотлар базаси барча туман-шаҳар прокуратураларида шакллантирилиб, доимий янгилаб борилмоқда.

Соҳада қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган назорат тадбирлари муҳим роль ўйнайди. Хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда, текширишлар чоғида

тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий босимни бартараф этиш мақсадида прокуратура органларига режали ва режадан ташқари текширишлар устидан тизимли назорат қилиш мажбуриятини юклашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. [9, 7; 10, 125]

Прокуратура органлари томонидан амалга оширилган назорат тадбирлари самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашда қуйидагиларга:

– ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда тижорат кредитлари ажратилишида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга;

– ер участкаси ва фойдаланилмаётган объектларни белгиланган тартибда сотилиши ҳамда давлат – хусусий шериклик асосида ижарага берилишида амалий ёрдам кўрсатишга;

– салоҳиятли инвесторларга инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда кўмаклашишга;

– инвестициявий таҳлиллар ўтказиш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ва уларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда Қарор асосида ташкил этилган ҳудудий лойиҳа гуруҳлари, марказий бошқарув офислари ҳамда бошқарувчилар имкониятларидан самарали фойдаланишга;

– инвестиция лойиҳалари ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, инвестициявий салоҳияти, «драйвер соҳалари», табиий ва ижтимоий-иқтисодий ресурсларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлигига;

– муддатни кечикаётган лойиҳаларнинг мавжуд муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш, заруратга кўра ишга тушиш муддатини узайтириш ҳамда асослангирилган ҳолда истиқболсиз деб топилган лойиҳаларни алмаштириш чоралари кўриб борилганлигига;

– соҳада юқори сифатли, тезкор, шаффоф давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш ҳамда бюрократия, сансалорлик ва бошқа турли тўсиқларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш белгиланди.

Шунингдек, Бош Прокурорнинг 2022 йил 21 январдаги буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ташқи савдо, инвестициялар ва тадбиркорлик соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда, 2024 йил 1 июль ҳолатига кўра, Республикамизда 390898 та тадбиркорлик субъектлари муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Уларнинг сони 2020 йилда 373282 та эди. [11] Мазкур соҳага янги-янги тадбиркорларни жалб этиш, улар фаолиятини қонун асосида йўлга қўйиш, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини адолатли ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш бу умумхалқ ҳаракатини кенг қулоч ёйишини таъминлайди, деб ишонч билдириш мумкин.

Шубҳасиз, прокуратура органларининг ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг тегишли саъй фаолияти юртимизда тадбиркорликнинг жадал риво-

жланишига, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётининг муттасил юксалиб боришига қулай шартшароит ва ижобий имкониятлар яратиб беради.

Хулоса

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида мустақамланган тадбиркорликни ҳимоя қилишга оид конституциявий норма ва талаблар асосида прокуратура органларининг тегишли функциясининг конституциявий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш лозим.

2. Прокуратура органларининг тадбиркорликни ҳимоя қилиш функцияси, нафақат танҳо қонун устуворлигини таъминлаш, балки тадбиркорлар учун қулай ва ишончли ишлаш муҳити яратишга қаратилган самарали механизм ҳисобланади. Давлатнинг иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатадиган асосий кучлардан бири бўлган тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва бизнес муҳитини яхшилашга ёрдам беради.

3. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги мамлакатимизда тадбиркорлик ва қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлашга йўналтирилган прокуратура органлари функциясининг амалий таъсирчанлигини кучайтиришга доир янги нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатда ижтимоий давлат барпо этиш ва янгиланаётган жамиятимизда прокуратура томонидан тадбиркорликнинг самарали ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи механизмларни акс эттирувчи буйруқларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш давримизнинг муҳим талабидир. Шу муносабат билан, Бош прокурор буйруқлари ва низомларини янгилаш ўринли бўлар эди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гусева А.Л. Конституционно-правовой механизм защиты права на свободу предпринимательской деятельности в Российской Федерации: автореф. дисс. .... канд. юрид. наук. – М., 2013. – 33 с.

2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг прокуратура ходимлари куни муносабати билан учрашувидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/178>

3. Бут Н.Д. Теоретические, правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением законов о свободе экономической деятельности в Российской Федерации: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М, 2011. 63 с.

4. Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. – Т., 2011, 201-бет.

5. Бекжанов А. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этилиш принциплари // Международный научный журнал «Научный импульс», № 11 (100), часть 1, июнь 2023. – С. 525 – 533.

6. Права человека // отв. ред. Е.А.Лукашева – М., 2004, 277-300с.



7. Рахимов Ф.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари. Т., - 2004, 87-90б.

8. Гадаборшева З.Б. Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере предпринимательской: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - М, 2013. 31 с.

9. Идилова Ж. Н. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о защите малого и среднего предпринимательства: состояние и пути оптимизации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2012. – 35 с.

10. Otto, H. Grundkurs Strafrecht - Die einzelnen Delikte / H. Otto // De Gruyter. – Berlin, Boston, 2020. – 576 p.

11. Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашди. Тадбиркорнинг ютуғи – бутун халқимизнинг ютуғи. / <https://president.uz/uz/lists/view/7778>

12. Исмаилов И.И. Прокурорский надзор в сфере предпринимательской деятельности // Universum: экономика и юриспруденция. 2022. 12(99). URL: <https://7universum.com/ru/economy/archive/item/14555>.

13. Осташев И.Ю., Рыбкина М.В. Правозащитная функция органов прокуратуры в Российской Федерации: монография. - СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2017. - 184 с.

14. Hodgson, J. S. French Criminal Justice: A Comparative Account of the Investigation and Prosecution of Crime in France / J. S. Hodgson. – Oxford : Hart Publishing, 2005, p. 246.

15. Окюлов О. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммолари. Ўқув кўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2006. – 145 б.